Президент ҳузурида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 ноябрь куни «Исроил авиация саноати» корпорациясининг раҳбари Моше Керетни қабул қилди.

Жаҳонга машҳур ушбу корпорация янги технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича Исроилдаги етакчи саноат маркази ҳисобланади. Корпорация бошқарувчисиз учадиган аппаратлар, фазо йўлдошлари ҳамда бошқа электрон ускуналар ишлаб чиқариш бўйича катта салоҳиятга эгадир. Кейинги уч йил мобайнида корпорацияда маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш ҳажми икки баравар ошди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистондаги турдош корхоналар билан ушбу нуфузли корпорациянинг ҳамкорлик алоқалари истиқболли бўлажагига умид билдирди.

— Исроилга буюрган ташрифимиз чоғида сиз раҳбарлик қилаётган корпорация фаолияти билан яқиндан танишгандик, — деди, жумладан, Президент Ислом Каримов. — «Исроил авиация саноати» корпорациясининг салоҳияти дунё миқёсида эътироф этилган. Шу маънода ўзаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш ғоят диққатга сазовордир.

Корпорация президенти М. Керет самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этар экан, ўзаро алоқалар истиқболига ишонч билан қарашини таъкидлади.

Мулоқот чоғида ҳамкорлик муносабатлари ривожи, хусусан, корпорациянинг «Бедек» авиация бирлашмаси билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва «В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акционерлик жамияти ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Файзуллаев, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев иштирок этди.

Қабулда Исроил давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ноаҳ Гал-Гендлер ҳозир бўлди.

(ЎзА)



Суратда: *қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат*

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 24 ноябрь, сешанба • № 140 (24.377).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ»



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад иқтисодиётда юксак самарадорликка эришиш, жамиятда Қонун устуворлиги, демократия тамойилларини қарор топтириш, халқ учун фаровон турмуш шароитини яратишдир.

Президентимиз Ислом Каримов яқинда халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида эътиборни барча саъй-ҳаракатларимизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этувчи ана шу долзарб масалаларга яна бир бор қаратди.

Мамлакатимиз кенг жамоатчилиги ўртасида катта эътиборга молик бу муҳим масалалар йўлбошчимизнинг Ўзбекистон телерадио компанияси раисига берган интервьюсининг ҳам асосини ташкил этади.

Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти ана шу нутқлар ва суҳбатни «Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ» сарлавҳаси билан кўп нусхада ўзбек ва рус тилларида чоп этди.

(ЎзА)

❖

Ўзбекистон Бутунжаҳон сайёҳлик бозорида

Лондондаги «Эрлс корт» кўргазмалар мажмуида «World Travel Market — 1998» — Бутунжаҳон сайёҳлик бозори ўз ишини якунлади.

1993 йилдан буён Лондон сайёҳлик бозорида Ўзбекистон делегацияси олтинчи марта иштирок этди. Республикамиз сайёҳлик ташкилотларининг янги истиқболли таклифлари жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган шу соҳа мутахассисларининг диққат-эътиборини ўзига тортди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларининг қатор ҳиссадорлик жамиятлари ва меҳмонхона-сайёҳлик мажмуалари бозор иш кунларида мамлакатимиз маданий-тарихий обидаларини ва Буюк ипак йўли кесиб ўтган қадимий дурдона-шаҳарлар бўйлаб турли сайёҳлик сафарларини кенг ва ёрқин намойиш этдилар.

«Буюк ипак йўлида сайёҳлик» Тошкент халқаро сайёҳлик кўргазмаси раҳбарияти Лондон бозорида катта реклама кампаниясини амалга оширди. Келгуси йилда Ўзбекистонда сайёҳлик сафарларини ташкил этиш бўйича Австралия, Буюк Британия, Испания, Миср ширкатларининг вакиллари билан шартномалар имзоланади.

Бозор иш кунларида «Интернет» тармоғида жорий йилнинг май ойида бошланган ва республикамизга бағишланган кўрик-танловга якун чиқарилди. Унинг Ўзбекистонга бир ҳафталик бепул сайёҳат бош совринига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Азия травел интернешнл» қўшма корхонаси ҳомийлик қилдилар.

Мусобақа иштирокчилари «Нима боисдан Ўзбекистонга сафар қилмоқчисиз?» саволига жавоб беришлари лозим эди. Унга Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Канада, Германия ва бошқа давлатлардан олти мингга яқин киши жавоб берди. Танлов иштирокчиларининг жавоблари дунёнинг турли бурчакларида мамлакатимизга бўлган қизиқишнинг ортганлигини кўрсатди. Бош соврин америкалик Тамара Смитга насиб этди.

Лондон анжуманида Ўзбекистоннинг фаол иштирок этиши мамлакатимиз сайёҳлик қудратини тарғиб этишни янада кенгайтириш, хорижий шериклар билан Европа, Осиё ва Лотин Америкасидаги янги минтақаларга чиқиш билан боғлиқ сайёҳлик бозоридаги ҳамкорликни ривожлантириш сари янги қадам бўлди.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Лондон.

❖

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ф. Ғ. Назировни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Феруз Ғофурович Назиров Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ***И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ш.И. Каримовни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Шавкат Иброҳимович Каримов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ***И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

23 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон парламенти Раиси Э. Халилов олиб борди.

Кенгаш биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясини 1998 йил 24 декабрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилди. (Қарор матни ҳамда бўлажак сессия муҳокамасига киритиш мўлжалланаётган масалалар рўйхати эълон қилинмоқда).

Мажлисда сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева бошчилигида депутатлар ишчи гуруҳи тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 1998 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ***Э. ХАЛИЛОВ***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 ноябрь.

* * *

Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
3. Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
4. Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
5. Инвестиция фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
6. Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
7. Ўрмон тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
8. Реклама тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
9. Радиочастота спектри тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
10. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрирда, биринчи ўқишда).
11. Ноҳукумат, нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).

Ана шу масалалар билан бирга Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳам депутатлар муҳокамасига киритиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Дамин Абдураҳимович Асадов Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинлансин ва шу сабабдан у Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг ректори вазифасидан озод қилинсин.
2. Равшан Тўлаганович Султонов Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари — Тошкент шаҳар ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлансин ва шу сабабдан у соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.
3. Малика Абдуллаевна Зиёева бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари — Тошкент шаҳар ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи вазифасидан озод қилинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 ноябрь

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Отчопар»даги тушумлар... уни ким назорат қилади?»

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти шуни маълум қиладики, «Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 12 ноябрь сонида эълон қилинган «Отчопардаги тушумлар...уни ким назорат қилади?» сарлавҳали мақоласи шаҳар ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилинди, тегишли хулосалар чиқарилди.

Мақолада номлари келтирилган милиция майори Р. Зокиров, милиция подполковниги А. Аббосовларнинг камчиликлари раҳбар ходимларнинг тезкор йиғилишида муҳокама қилиниб, тегишли хулосалар чиқариб олишлари тўғрисида таклиф киритилди.

Ҳозирги кунда шаҳримиздаги барча бозорларда шаҳар ички ишлар идоралари ходимлари давлат солиқ назорати ходимлари билан, шунингдек, бозор маъмурияти вакиллари билан белгиланган тартиб-қоидалар тўлиқ бажарилиши юзасидан рейдлар ўтказишмоқда. Рейдлар жараёнида камчиликлар тугатиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари
А.КОГАЙ

Журналист текшируви

Шартнома хўжакўрсинга тузилади...ми?

Сал илгарироқ Қашқадарё вилоят фаолларининг йиғинида қишлоқ хўжалик корхоналарининг шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаётганлиги оқибатида катта миқдорда зарар кўраётганлиги танқид остига олинганди. Бироқ бундай зарарнинг юзага келишига сабабчи бўлган кишилар эса ҳамон жавобгарликка тортилганлари йўқ.

Айниқса, 1997 йилнинг ғалла ўрими мавсумида Чироқчи ва Ғузор туманидаги айрим хўжаликлар ҳосилини йиғиштириб олишга Хоразм вилоятидан «Кейс» комбайнлари олиб келинган. Бу масала Хоразм вилоят «Қишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат ширкат бирлашмаси билан хўжаликлар орасида алоҳида шартномалар асосида амалга оширилган. Аммо, мазкур шартномалар билан танишарканмиз, улар ўта масъулиятсизлик ва зўрма-зўракилик билан тузилганлиги маълум бўлди-қолди.

Жумладан, Чироқчи туманидаги «Чиял» жамоа ширкат хўжалиги раиси С. Абдуғаффоров томонидан имзоланган шартномада комбайн ўриб берган ҳар гектар майдон учун 4732 сўм ҳисобидан фақат натура сифатида буғдой билан ҳисоб-китоб қилиш кўрсатиб ўтилган. Аксинча, ана шу талаблар бажарилмаса, ҳар бир кечиккан кун учун тўланадиган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлаш белгиланган.

Шундай қилиб, хоразмлик комбайнчилар «Чиял» жамоа хўжалигининг 3790 гектар майдондаги ғалласини ўриб беришган. Лекин шунга яраша уларга бир килограмм ҳам ғалла ёки бир сўм ҳам берилмади. Айни кунларда Хоразм вилояти «Қишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» бирлашмаси Қашқадарё вилоят хўжалик судига мурожаат этиб, «Чиял» жамоа хўжалигидан 12271000 сўм асосий қарз, уни вақтида тўламагани учун 23928450 сўм жарима ва 361994 сўм бож тўловлари, жами 36561444 сўм ундириб беришни талаб қилмоқда.

Мана, сизга ўйламасдан шартнома тузишнинг оғир оқибатлари!

Ёки бўлмаса шу тумандаги «Кўкдала» жамоа-ширкат хўжалигида ҳам ана шундай аҳволни кўришимиз мумкин. Қисқаси, бу хўжаликда 1397 гектар майдондан ўриб-янчиб олинган ҳосил учун ҳар гектар ҳисобига 3600 сўмдан тўлашга рози бўлган. Кўп ўтмай ҳосил йиғиштириб олинган. Лекин, хўжалик Хоразм вилоят «Қишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» бирлашмаси ҳисобига шартномада келишилгандай 3825820 сўм эмас, 830000 сўм ўтказиб берди, холос. Энди буёғини эшитинг. Хоразмликлар даъво аризасида «Кўкдала» жамоа хўжалиги тўлаши лозим бўлган 3825820 сўмни вақтида тўламагани учун яна 7460349 сўм жарима, жами 11286169 сўм талаб қилмоқдалар. 3825820 сўм қайда-ю 11286169 сўм қайда?! «Ҳолингни билсанг хоримайсан» дейдилар. Агар хўжалик раҳбари ўйлаб, моддий имкониятни чамалаб шартнома тузганида бугунга келиб бу сингари муаммолар бўлмасди.

Шу ерда бизни бир нарса ўйлантирди. Шартнома туфайли хўжаликларнинг молиявий фаолияти миллион-миллион сўм зарар кўришига бош сабаб нимада экан? Хўжалик раҳбарлари шу даражада бефарқ ёки саводсизмиди?

Биз «Чиял» ҳамда «Кўкдала» жамоа ширкати хўжаликлари раҳбарларининг вилоят хўжалик суди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Мирзо Турсунов номига ёзган тушунтириш хати билан танишдик. Хусусан, «Чиял» жамоа ширкати хўжалиги бошқарувининг раиси С. Абдуғаффоровнинг айтишича, у шартномага кечаси далада имзо чекканмиш. Изоҳга ҳожат бўлмаса керак... Бироқ ўзингиз ўйланг, минглаб киши фаолият кўрсатадиган хўжалик тақдирига шунчалик ҳам совуққонлик бўладими? Ёки шартнома шунчаки, хўжакўрсинга тузиладими?

Яна бир мулоҳазамиз бор. Гектаридан атиги 8,9 центнердан ҳосил берадиган бу иккала хўжалик далаларидан ғаллани йиғиштириб олиш учун хоразмликлар билан шартнома тузиш шартмиди? Бундан хўжалик кўрадиган нафни бир четга қўйиб турайлик, кўрилган фойда ўриб олиш харажатларини ҳам қопламайди-ку! Наҳотки, буни уларни шу қадар номақбул шартнома тузишга мажбурлаган мавсумда Чироқчи туманига иш бошқарувчи этиб биркитилган — вилоят ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи Комил Қурбонов ҳамда Чироқчи тумани ҳокими Мустафо Темиров англамаган бўлса? Кўра-билатуриб хўжаликларга кўрсатилган бунчалик жабрни нима деб аташ мумкин?!

— Ўтган йилги ғалланинг пулини олганимиз йўқ. Вилоят дон маҳсулотлари бошқармасида 3 миллионимиз бор... Шартнома тузилганди, бироқ, бунга амал қилинмаяпти, — дейди Касби туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги раиси Зикриё Асроров.

Бу биргина мисол. Афсус, кўпчилик хўжаликларда ана шундай дард бор.

Аслида бозор муносабатларига ўтиш даврида ҳар бир корхонаю ташкилотларнинг раҳбарлари бошқа хўжалик субъектлари билан бўладиган алоқаларга ўта масъулият, таъбир жоиз бўлса, ҳурмат билан қарашлари лозим. Акс ҳолда ўша жойда меҳнат қиладиган оддий кишиларга қийин бўлади. Бу аниқ гап.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 24 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	69,51
1 Австрия шиллинги	9,11
1 Англия фунт стерлинги	179,68
10 Бельгия франки	31,07
1 Голландия гульдени	56,84
10 Греция драхмаси	3,83
1 Дания кронаси	16,87
1 БАА дирхами	29,53
1 АҚШ доллари	108,47
1 Миср фунти	31,86
1 Ирландия фунти	159,29
1 Исландия кронаси	1,55
10 Испания песети	7,54
100 Италия лираси	6,48
1 Канада доллари	70,21
1 Хитой юани	13,10
1 Кувайт динори	358,22
100 Ливан фунти	7,23
1 Малайзия рингити	28,55
1 Германия маркаси	64,12
1 Норвегия кронаси	14,51
1 Польша злотийси	31,37
10 Португалия эскудоси	6,28
1 Сингапур доллари	66,45
1 СДР	150,83
1000 Туркия лираси	0,36
1 Финляндия маркаси	21,12
1 Франция франки	19,13
1 Швеция кронаси	13,45
1 Швейцария франки	77,84
1 ЭКЮ	125,99
10 Жанубий Корея вони	0,87
10 Япония иенаси	9,01
1 Россия рубли	6,40
1 Украина гривнаси	31,65
1000 Белорусь рубли	1,50
1 Латвия лати	188,97
1 Литва лити	27,12
1 Молдова лейи	13,70
1 Қирғизистон соми	3,48

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

❖

Газетамизнинг доимий мухлисимисиз?

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмидингиз?

— Концернда қанча одам меҳнат қилади? Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?

Пўлат РАШИДОВ,
«Ўзгўштсутмахсустранс» концерни раиси:

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарини эрта тонгданоқ иш столимда доимо бўлишини хоҳлайман. Шу боисдан ушбу газеталарга биринчилардан бўлиб ҳар йили обуна бўлиб келаман. Ўтган йили ҳам барча ташкилотларимизга у ерда ишлаётган кишилар сонига қараб обуна қилдирганмиз. Чунки Президент Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари, мамлакатимизда юз бераётган иқтисодий юксалиш, ижтимоий янгиланишлар «Ўзбекистон овози»да мунтазам босилади. Шу жиҳатдан концернимиз тизимларида меҳнат қилаётган ҳар бир кишига, янги жамият қураётган кишиларимизга, шубҳасиз, бу газеталар дастуруламалдир.

Концернимиз тизимларида ҳам муаммолар мавжуд. Албатта, бу борада газета бизга энг яқин суҳбатдош, кўмакчи бўла олади. Шу боисдан ушбу газеталарга, энг аввало концерн тузилмаларидаги барча ташкилотлар раҳбарлари, меҳнатчиларни кўпроқ нусхада обуна қилдиришга эришамиз.

Тарих ва тақдир

ёки «Алпомиш» достони милоддан аввалги даврларда яратилгани ҳақида

Йўлбошчимиз Ислом Каримов ташаббуси билан «Алпомиш» халқ достони яратилишининг халқаро миқёсда байрам қилиниши маданиятимиз тарихидаги улкан воқеадир. Бу тантана ўзлигимизни англаш ифодасигина бўлмай, маънавиятимиз илдизлари жуда чуқур эканлигини оламга ёяди.

«Алпомиш» йирик эпик асар бўлиб, уни халқ ҳаётининг ўзига хос кўзгуси дейиш мумкин. Шундай экан, асарда тасвирланган воқеалар орқали халқимиз тарихининг қайси босқичларига мансублигини аниқласа бўлади. Бундан ташқари, достонни жаҳон халқларининг бошқа дурдона асарларига муқояса қилиш ҳам яратилган даврни белгилашга ёрдам беради. «Алпомиш» достонига шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, бизнингча, унинг яратилиши минг йил эмас, жуда узоқ, милоддан олдинги даврларга бориб тақалади. Бу фикрни тасдиқловчи қатор асосли далиллар мавжуд.

Биринчидан. Гомер жаҳон адабиётининг улкан даҳоларидандир. Унинг достонлари шоир вафотидан сўнг, милоддан аввалги VI асрда ҳукмдор Писистранинг топшириғи билан халқ оғзидан ёзиб олинганлиги маълум. Гомернинг «Одиссея» достони билан «Алпомиш»нинг сюжет чизиқлари, қаҳрамонлари тақдирида бир хиллик белгилари мавжудлиги тасодифий ҳодиса эмас. Бу яқинликни таниқли олим В.Жирмунский бир тадқиқотида «антик юнон ва Ўрта Осиё халқлари ўртасида қадимдан маданий алоқалар бўлган», деб ҳисобласа, кейинчалик «аниғини айтганда, Шарқнинг юнон маданиятига таъсиридир», деб изоҳлайди. Грузин олими Р.Гордезиани ҳам шундай хулосага келади. Ўзбек адабиётшуноси А.Алимуҳамедовнинг фикрича, бу асарлар ўртасидаги яқинликни ижтимоий ҳаётнинг маълум тарихий шароитларида бир-бирига яқин бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам Турон заминидан Юнонистонгача бўлган улкан ҳудудда ўз салтанатларига асос солган Аҳмонийлар даврида (милоддан аввалги VI аср) Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданий алоқаларнинг бир-бирига таъсири илмда исботланган. Чунончи, Ватани Хоразм бўлган «Авесто»даги эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги қарама-қаршилик ғояси, оташпарастликнинг қадимги юнон фалсафасига таъсирини бугун ким билмайди, дейсиз.

Бизнинг кузатишимизча, шунингдек Одиссей ва Алпомиш тақдирини бир хиллигига тарихдаги маълум бир шахснинг қаҳрамонлиги сабаб бўлган.

Хўш, Одиссей ва Алпомиш тақдиридаги яқинлик нимадан иборат? «Одиссей» 24 қўшиқдан иборат бўлиб, сўнгги 12 қўшиқ сюжетлари Алпомиш тақдирини эслатади. Жангга кетган Одиссей ва Алпомиш узоқ йиллар ватанига қайтмайди. Алпомиш етти йил Қалмоқ зиндонида ётади, Одиссей урушдан сўнг яна ўн йил денгиз тўфони натижасида саргардонликда юради. Ҳар икки достондаги яқинликнинг бош ўзаги кўп йиллар юртидан узоқда яшаган қаҳрамонларининг ўз хотинлари тўйига етиб келишидир.

«Алпомиш» ва «Одиссей»да қаҳрамонларнинг кекса оталари (Бойбўри ва Лаэрт), балоғатга етмаган ўғиллари (Ёдгор ва Телемах), содиқ қул чўпонлар (Қултой ва Эвмей), муҳаббатига содиқ хотинлар «Барчин ва Пенелопа» иккала достондаги ўзаро яқинликни кўрсатувчи муҳим белгилардир. Достонларда аёлларнинг шарти камондан ўқ отиш мусобақасидир. Тўйга Одиссей ҳам, Алпомиш ҳам ўзларини танитмайдиган қиёфада келадилар ва мусобақада ғолибликни эгаллаб, севган ёрларининг висолига етишадилар.

Демак, «Алпомиш» ва Одиссей сюжети ўртасидаги яқинлик бу асарлар бир даврда яратилганлигига ишонч уйғотади.

Иккинчидан. Узоқ давом этган ҳарбий юришлар ва жанглар сабабли ўз хотини ҳамда фарзандларидан айриликда юрган юрт бошлиқлари тарихда бўлган. Юнон тарихчиси Геродот маълумот беришича, Мади ва унинг боболари Кичик Осиё мамлакатларига 28 йил ҳукмронлик қилишади. Мади — туркий қавмларнинг бош бўғинига мансуб ҳукмдор бўлиб, унинг яшаш даври милоддан аввалги VII асрга тўғри келади. Мади — туркий халқлар ўртасида Алп Эр Тўнга, форсийларда Афросиёб номи билан шуҳрат қозонган Турон заминининг улуғ ҳоқонидир.

Учинчидан. Алпомиш тақдирини ҳал қилувчи асосий сюжет чизиқлари қадимги юнон ва Оссурия тарихчиларининг китобларида келтирилган тарихий воқеаларга мос тушади. Достон тасвирига кўра, Алпомиш Қалмоқшоҳ лашкарларига қирғин солади ва уларни ваҳима ичида қолдиради. Қалмоқлар Алпомишни йўқотишни ўйлашар, лекин унга тенг келадиган куч йўқ эди. Уни енгишнинг ҳийла йўли топилади. Бу вазифани Сурхайл кампир бажаради. У Алпомиш шарафига зиёфат уюштиради, шаробга беҳуш қиладиган дорилар солиб, Алпомиш ва унинг йигитларини ҳушидан кетказади. Сурхайл Алпомишни Қалмоқшоҳга беҳуш ҳолда топширади. Қирқ йигитнинг устига ўт ёқиб юборади. Қалмоқшоҳ Алпомиш ҳушига келса Қалмоқ шаҳрини тиғдан ўтказишидан қўрқиб ва шу ернинг ўзида зиндон қаздириб уни зиндонга ташлайди.

Юнон ва Оссурия тарихчилари берган маълумотларга кўра, Мидия (Эрон шоҳи) Киаксар (Кайхисрав) Мади-Алп Эр Тўнганинг баҳодирлигидан қўрқади, ҳарбий кучда бас келолмаслигига ишонади. Шунинг учун ярашиш зиёфатини ташкил этади. Зиёфатда шаробга дори қўшилиб, беҳуш ҳолга келган Мади ва унинг йигитлари шу жойнинг ўзида ўлдирилади.

Тўртинчидан. Мади-Алп Эр Тўнга (Афросиёб) ва Кайхисрав ўртасидаги жанг муносабатлари Шарқ адабиётидаги ўнлаб тарихий ва адабий асарларда тасвирланган. Мади тақдири оғзаки ижодда ҳам акс этмаслиги мумкин эмас эди. Мадининг қаҳрамонлиги Алпомиш сиймосида кўринади. Зотан, Мади туркий халқлар ўртасида Алп Эр — баҳодир номи билан шуҳрат қозонганидек, бу сўз қадимги туркий тилда алп маъносини беради. Демак, Мади-Алп, баҳодир сўзи Алпомиш номини туб ўзагидир. Миш қадимги туркийлар ўртасида таниқли одамлар, қаҳрамонлар, мард-жасур кишиларга нисбатан кенг қўлланилган бир белги. Чунончи, тарихда Билгамиш, Кунтуғмиш, Ўғдулмиш, Ўзғурмиш каби номлар кўп учрайди.

Бешинчидан. «Алпомиш» ижодкорлари Мадининг тириклиги, душман қўлидан соғу-саломат ўз юртига қайтишини орзу қилганлар. Зотан, достоннинг таъсир кучи, қаҳрамонлик руҳи ҳам шундадир. «Алпомиш» достони юзага келишига милоддан аввалги асрлардаги эроний шоҳлар билан Алпомиш юрти ҳоқонлари ўртасидаги жанглар асос бўлганлигини бошқа далиллар ҳам ойдинлаштиради. «Алпомиш»да Қайқубод образи алоҳида ўрин тутади. Достонда Қайқубод-чўпон. Тарихда эса Қайқубод-эронийлар шоҳи. «Алпомиш»да Қайқубод чўпонликда Қалмоқ элининг шоҳи даражасига кўтарилади. Достонда Эрон шоҳининг номини чўпонга нисбат бериш уларнинг ижтимоий мавқеини камситиш белгисидир. Алпомиш зиндондан чиққач, чўпон Қайқубодни қалмоқлар юртига шоҳ қилиб кўтаради. Бу тасвирда адолатнинг тантана қилиши орзу этилган. Тарихий асарларда Қайқубод билан Афросиёб (Мади) ўртасидаги муносабатлар ифодасини топган. Алишер Навоий «Тарихи мулуку Ажам»да ёзади: «Афросиёб яна Турондин Эрон қасдиғига сипоҳ тортиб юрди. Ва Қайқубод Албурзкўҳда эрди. Зол Рустамни юборди-кими, ани келтурди ва бошиға тож қуюб, Эрон салтанатини анга мусаллам тутиб юруб Афросиёбни қайтордилар».

Халқ оғзаки ижодида яратилган ҳар бир асар даврлар ўтиши билан янги мазмун ва воқеалар билан бойиб бориши табиийдир. Чунки, уни қуйлаган ижодкор асар руҳини ўз замонасига мослаштириши мумкин. Аммо «Алпомиш» достонида сақланган тарихий воқелик ва достон сюжети ҳамда қаҳрамонлар тақдири «Одиссей» асари билан ёнма-ён туриши унинг яратилиш даври милоддан аввалги асрларга тўғри келади, деб ҳисоблашга ишонч уйғотади.

Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ,
Самарқанд Давлат университети доценти.

Партия ҳаёти

Яшил чироқ

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашида журналистлар билан очиқ мулоқот

Очиқ тан олиш керак, мустақиллигимиз шарофати билан журналистикага эътибор кучайди. Бу биринчи галда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ҳақида жонкуярлик билан айтган сўзларида (бирон-бир сессия — хоҳ у Олий Мажлисда, хоҳ вилоятда бўлмасин) битта энг муҳим маъно ва вазифа кўндаланг қўйилянти: матбуотни тўртинчи ҳокимиятга айлантириш! Яъни матбуот мансабдорларнинг тўрачилиги, коррупция, мустабидлик ва боқимандалик психологияси йўлида мустаҳкам ғов бўлиши зарур! Агар матбуот шу олий мақомга эриша олсагина у жаҳон андозаларига мос бўлиши, мамлакат кўзгусига айланиши мумкин. Албатта, журналистик касбмаҳорат, унинг шаклу шамойили, билим ва савияси бундан-да қолишмайдиган иккинчи муҳим масаладир. Агар республика матбуоти, Самарқанд ҳамда Навоий вилоятларида иш олиб бораётган журналистлар юқоридаги талаблар асосида саъй-ҳаракат қилишганида, албатта сессияларда юртбошимиз билдирган кескин салбий ҳолатларнинг олди олинган бўларди... Ахир, Олий Мажлисимиз журналистлар фаолиятини қўллаб-қувватловчи бир эмас, бир нечта Қонун қабул қилди! Қайси давлатда журналистлар учун шундай бой имкониятлар бериб қўйилган?

Хуллас, агар журналистикани учқур машинага ўхшатсак, истиқлолнинг қатта йўлида унга яшил чироқ ёниб турибди. Хўш, энди «газни босадиган», қўламни катта оладиган палла келмадими?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг журналистлар билан очиқ мулоқоти ана шундай ўткир саволлардан бошланганини ҳам бежиз эмас. Тошкент шаҳар партия қенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Латиф Ғуломов, жумладан, шундай деди:

— Ҳаёт бугун олдимизга кўндаланг қўяётган масалада айнан ХДП нашрлари «Халқ сўзи» ва бошқа нашрлар қатори олдинги сафда боряпти. «Журналист текшируви» янги рукни остида долзарб мавзулар кўтариляпти. Газета бош муҳаррири Азим Суюн бутун республика матбуоти ходимлари ҳал этиши зарур бўлган муаммо ва камчиликларни «Нима қилмоқ керак?» сарлавҳали мақоласида (шу йил 15 октябрь сони) шундай изоҳлаб берди:

«Қаламкаш дўстларим гапларимни оғир олишмасину бугунги газеталаримиз тўғрисидаги аниқ эътирозларимни ошкора айтай:

1. Газеталаримизнинг қиёфаси ҳамон бир-бирига ўхшаш.

2. Бирор газета яхши бир мавзу топса, уни бошқа газеталар ҳам «тала-тала» қилади.

3. Рукнлар газетадан газетага кўчиб юради. Қайси рукн қай газетаники эканлиги чалкашиб кетади.

4. Бирор газета бирор оригинал шакл топса, дарҳол бошқалари томонидан «забт этилади».

5. Газеталарнинг масъул котиблари бир-биридан кўчиради.

Тўғрисини айтганда, саноқни ҳали кўп чўзиш мумкин эди. Аммо... Аммо рақобат ҳам, мусобақа ҳам ҳалол, муайян қоида ва тартиблар доирасида бўлсагина наф келтиради. Акс ҳолда... Акс ҳолда, машҳур масалчининг асарида тасвирланган воқеадаги каби ҳамма ҳар ёққа тортгани билан арава бир жойда тураверади...»

Дарвоқе, матбуот ҳақида очиқ, аммо аччиқ гаплар! Сизларни таклиф этишимиздан мақсад бугунги анжуманимизда маъруза ҳам, музокара ҳам йўқ, у ўз номи билан очиқ мулоқот...

Котиб сўзларига фақат шуни қўшимча қилмоқчимизки, бу анжуманга Тошкент шаҳар партия кенгаши масъул ходимлари, туманларнинг партия кенгашлари котиблари, бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотларининг котиблари ҳамда фаоллари, хуллас, кенг жамоатчилик вакиллари тўпланган эди. Улар билан суҳбатда яна шу нарса маълум бўлдики, бу учрашув «юқори»дан эмас, айнан қуйидан таклиф этилибди. Очиқ мулоқотларнинг бошқа соҳалар масъул ходимлари билан ҳам ўтказилаётгани яхши анъанага айланган бу ерда!

Мулоқотда савол-жавобларнинг моҳияти битта нарсага бориб тақалди: у ҳам бўлса партия билан халқ манфаатлари муштараклиги. Бу биринчи навбатда нимада кўринади? Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ўз номи билан, халқни ижтимоий ҳимоя қиладиган партиядир. Унинг халқ ишончини қозонгани боиси ҳам шунда. Чунончи, Тошкент шаҳар партия кенгаши, партия бюджетидан бир сўм ҳам олмайди, у ўзини-ўзи маблағ билан тўла таъминлямоқда, ХДП аъзолари бадаллари ҳисобига фаолият юритмоқда. Ёки партиянинг бош нашри «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» рўзномалари ҳам ўзи ишлаб топган маблағлар эвазига чоп этилмоқда.

Партия фаолларини нималар қизиқтирди?

«Рўзнома ХДП нашри бўлгани учун унда фақат ХДП аъзоларининг мақолалари бериб борилса, ХДП аъзолари ҳақида ҳикоя қилинса, асосан партия ҳаёти муаммолари ёритилса, ҳатто ХДПга аъзо шоирларнинг шеърлари, партиядош зиёлиларнинг мақолалари берилса».

Бош муҳаррир ўринбосари Норбобо Шакаров бу каби саволларга шундай лўнда жавоб берди:

— Рўзнома олдига бундай талаб қўйиш ноўрин, деб ўйлайман. Аввало, ҳар бир мақола муаллифи, шоирнинг ХДП аъзоси эканини кўрсатиш шарт эмас. Негаки рўзнома — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бош нашри, демак биз, журналистлар, ХДП Дастури ва Низомида қўйилган ғоя ва мақсадларни рўёбга чиқариш учун барча мақола, шеър, очерк ва репортажларимизни ана шунга йўналтирямиз. Қолаверса, рўзнома тор ва биқиқ ҳолда эмас, бутун мамлакатимиз, чет эл учун ҳам мўлжалланган, оммабоп нашрдир. Биз партиямизга ҳайрихоҳ кишиларни ҳам умумманфаат йўлида ўз эзгу ишимизга жалб этсак фойдадан ҳоли бўлмайди-ку. Рўзномада чоп этилаётган ҳар битта мақола, шеър тагига ХДП аъзоси, деб кўрсатмасак ҳам ёки кимдир айтганидек, мақолада номи тилга олинган кишиларнинг партия аъзоси эканлигини таъкидламасак ҳам рўзнома бошдан-оёқ партияникидир, яъни унинг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқаришга қаратилган.

Яна шундай савол ҳам тушдики, рўзнома инсон манфаатлари йўлида бирон инсонни ҳимоя қилдими ёки оила йўлида бирон оилани ҳимоя этдими?

Бунга жавоб... табиийки, биргина сўз қифоя эмас. Рўзноманинг битта энг катта имтиёзи бор, у ҳам бўлса, газета тахламларидир. Бу имтиёзни ундан ҳеч ким тортиб ололмайди: газета тахламларини истаганча варақлаб кўришингиз мумкин — газета кимларни, қанча одамни ҳимоя қилган, қанчаданқанча оилаларга ёрдам берган, ўзингиз бунга гувоҳ бўласиз. Дарвоқе, журналистик касбнинг бошқа касблардан яна бир афзаллиги шундаки, унинг қилаётган ишини бутун халқ кўриб туради. Музга ёзилган сўз эриб кетади, аммо тошга ёзилган, яъни босма сўзни ўчириш мушкул.

Очиқ мулоқот давраси қатнашчилари бу йил рўзномада ХДП Тошкент шаҳар, туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларидан 90дан зиёд мақола ва хабарлар чоп этилганини мамнуният билан таъкидлашди. Бошқача қилиб айтганда, рўзномада босилган мақола ва хабарларнинг тенг ярми ХДП ҳаётига оиддир!

Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Чилонзор ва бошқа туманларнинг партия кенгашлари котиблари, кўпгина бошланғич партия ташкилотларининг котиблари саволларига «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррирининг ўринбосарлари Норбобо Шакаров ва Андрей Орлов, «Муқолот» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари Рашид Раупов ва бошқалар батафсил жавоб бердилар.

Раъно Сатторова — Мирзо Улуғбек тумани партия кенгашининг биринчи котиби камтарона сўз олиб, сафдошларидан бирининг: «Рўзнома ҳафтада уч марта чиқса, унинг саҳифаларида телевидениенинг ҳафталик кўрсатувларини ва кроссвордларни бериш шартми?» деган саволига жавобан шундай деди:

— Саволни бу таҳлитда қўйиш ноўрин, менимча! Газета қанча ранг-баранг чиқса, шунчалик яхши-ку.

Шу онда шаҳар партия кенгашининг саркотиби Латиф Ғуломов:

— Сўзингизни бўлганим учун, узр. Ҳатто 20 миллион нусхадан зиёд чиқаётган «Аргументы и факты» газетаси ҳам шаҳар учун берадиган сонларида телевидение кўрсатувларини эълон қиляпти. Нима ХДП аъзолари телевидение кўрсатувларига қизиқмайди, дейсизми? Раъно Жабборовна, ҳақ гапни айтдингиз, сўзингизда давом этинг, — деди.

— Рўзнома ишида ютуқлар кўп. Буни мен айтмасам ҳам ҳамма кўриб турибди. Бирон мақола ё хабар юзасидан фикр-мулоҳазангизни айтсангиз, улар бажонидил қулоқ солишади. Демак, биз, партия фаоллари, ўзимиз ҳам уларнинг яқин кўмакчилари бўлишимиз, ҳамкорликда иш олиб боришимиз ва таклиф-истакларимиз билан журналистларга бевосита ёрдам беришимиз зарур. Қани, айтинглар-чи, шу ерда ўтирганлардан қайси бирингиз яқин орада мамлакатимиз долзарб ҳаётига оид зўр мақола ёздим, деб таҳририятга бордингиз? Эҳтимол, битта-иккита шундай бўлгандир. Аммо аниқ биламанки, кўпчилик бунга: «Ҳа» деб жавоб беролмайди.

Ҳа, очиқ мулоқот биз, журналистларга кўп нарса берди.

Уларнинг «Голос Узбекистана» саҳифаларида ёшлар муаммосини жиддийроқ кўтариш ҳақидаги таклифлари ҳам ўринли. Чунончи давра қатнашчилари муаммоларга, яъни оғриқли нуқталарга кўпроқ эътибор бериш, айниқса қаровсиз болалар, ёшларнинг бугунги тарбияси, фоҳишабозлик сингари иллатларни дадилроқ ёритиш истагини билдирдилар, қолаверса, мавзу доирасини ҳам, унинг географиясини ҳам кенгайтириш зарурлигини айтдилар.

Сўзни мухтасар қилиб айтиш мумкинки, Тошкент шаҳар партия кенгаши ташаббуси билан ўтказилган очиқ мулоқотда партиямиз фаолларида ҳам ташаббускорлик, ўз рўзномалари қиёфаси ва фаолиятига, кундалик нафасига қизиқиш руҳини оширди, деган таассурот қолди бизда.

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

Қадимий канал

Дарғом — Туронзаминда яратилган илк сув иншоотларидан биридир

Тарихий манбалар каналнинг милоддан аввалги V-IV асрларда қазилганлигидан дарак беради. II асрда яшаб ижод этган математик, астраном Клавдий Птолемей тузган харитада «Даргомоний» деб тилга олинади. 1971-74 йилларда қадимий номи Манас, Эски Ангор ҳам деб юритилган — Эски Анҳор ҳамда Москва каналларидан тортилган Дарғом шахобчалари орқали Қашқадарё чўллари ўзлаштирилган. Чокардиза, Музаҳим, Эскидарғом ва Сангин ариқлари эса унинг Самарқанддаги шахобчалари саналади. Ушбу қадимий канал хусусида Ўзбекистон энциклопедиясининг 3-жилдида айтилишича, Дарғом-Зарафшон (зар, олтин сочувчи) дарёсининг чап соҳилида, Самарқанддан 42 км жанубий-шарқда жойлашган. Работхўжа қишлоғининг яқинида қурилган, кейинчалик «Биринчи Май» деб ўзгартирилган Варақсар (Варақ сар — яъни бош ариқ деган маънони англатса керак) тўғонидан бошланиб Улус чўлларигача боради. Узунлиги 60 кмдан ошиқроқ.

Ҳозирги каналнинг максимал сув сарфи 100-113 $м^3$/секунд, ўртача сув сарфи 25-50 $м^3$ секундни ташкил этади. Иссиқ фаслларда суви кўпайиб, лойқаланиб оқади. Ундан Самарқанд вилоятининг Ургут, Самарқанд ҳамда Пастдарғом туманларидаги қишлоқлар сув ичади. Дарғомда Таллиғулон, Хишрав, Ертешар гидроэлектростанциялари қурилган. Работхўжа қишлоғининг қадимги номи билан аталган Варақсар тўғони ҳамиша назорат остида бўлган. Чунки, бу тўғонни душман эгалласа бутун бошли Самарқанд сувсиз қолиғ.ан. Тарихдан маълумки, шаҳарни ўн икки дилкушо боғ, Амир Темур боғлари ўраб олган. Уни сув билан таъминлашда шубҳасиз Дарғомнинг ҳиссаси катта бўлган. Шу боисдан ҳам Варақсарда қалъа қурилган ва тўғонни қўриқлаш учун катта қўшин турган. Бундан ташқари, шаҳар билан Дарғом оралиғида осма қўрғошин қувурлар, яъни Жўйи арзиз бўлган. Жўйи арзиз 1220 йилда Чингизхон босқинчилари томонидан бузиб ташланган. Хонавайрон бўлган Алп тунга — Афросиёб қувурни қайта тиклолмаган.

Машҳур тарихнавис Тоҳир хўжанинг ёзишига қараганда, Зарафшоннинг қадимги номи билан юритилган Кўҳак дарёсидан ажралиб, Самарқанд шаҳрининг ичи ва ташқариси, Шавдор ҳамда Анҳор туманларини суғорган. Ортиқчаси айланиб келиб, боз Кўҳак дарёсига қуйилган. Шаҳар боғ-бўстонлари ушбу ариқдан «Яшил ва тоза» бўлган.

Канал йўл-йўлакай 122 та дамба ва сув айиргичларига, шаҳобчаларга бўлиниб кетган. Работхўжадаги каналнинг бош тўғони қадимда ёғоч шох-шаббалар, ҳашак, тош, чимдан иборат бўлган. Баҳорги сув тошқинлари пайтида ўз йўлидаги тўғон ва дамбаларни тез-тез оқизиб турган. Қайта тиклаш, сув олиш учун эса жуда кўп маблағ ҳамда мажбурий ёлланган ишчи қучи сарфланган. Шунинг учун ҳам канал «Дарду ғам» деб аталган.

Ернинг паст-баландини, мураккаб рельефини яхши биладиган ота-боболаримиз ушбу ариқни «илон изи» қилиб қазишганки, сув тошқинларининг кучи қирқилган. Шу боисдан ҳам Дарғом канали бугунги кунга қадар Зарафшон водийсининг энг йирик сув иншоотларидан бири сифатида фойдаланилмоқда.

Нормўмин ОЧИЛОВ

«Шўртангаз» кимё мажмуига асос солинди

Шу кунларда «Шўртангаз» кимё мажмуи қурилиши қизғин давом этмоқда. Бу ерда «Қаршиқурилиш» махсус қурилиш бирлашмасига қарашли «Мелиоқурилиш», «Дренажқурилиш» трестлари ва республикамизнинг деярли барча вилоятларидаги автотранспорт корхоналарига қарашли юзлаб техникалар унум билан ишлаяпти. Айни пайтда мажмуанинг этилен заводи асосига 8,60 метр қалинликда 267 мингкуб метр қум-шағал аралашмаси ётқизилиб, лойиҳада белгиланган талаблар бажарилди. Бунинг учун 18 километр масофадаги Жайрон карьеридан ҳар куни ўртача 8-9 минг куб метр қум-шағал юк автомашиналари ёрдамида ташиб келтирилди. Бу борада «Намангантранс» «Тошвилюктранс» корхоналарининг ҳайдовчилари, айниқса, жонбозлик кўрсатишди. Эндиликда қурувчилар этилен заводининг асосида пойдевор қўйиш ишларини бошлаган бўлсалар, автотранспортчилар эса полиэтилен заводи асосига қум-шағал аралашмаси ётқизишга киришдилар.

Суратларда: **этилен заводи қурилишида.**

Абдурасул ПАРДАЕВ олган суратлар







Қарзга ботган корхоналар

ёхуд зиёнига ишлаётган раҳбарлар

Қўнғироқ

Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида бир қатор саноат корхоналари замон талаби даражасида ишламаётгани кескин танқид қилинди. Юртбошимиз И. Каримов ўз маърузасида тилга олган бу корхоналар қаторида «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасини, «Электрокимё» заводи ҳамда «Қизилқумцемент» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятини кўрсатиш мумкин. Ҳа, чет эл андозаси даражасидаги хомашё ва маҳсулот тури ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу гигант корхоналардаги аҳвол бугун ниҳоятда мураккаб. Энг муҳими не-не машаққатлар эвазига тайёрланаётган ноёб маҳсулотларнинг корхоналар омборларида туриб қолаётганидир. Кейинги икки-уч йил ичида бу саноат корхоналари омборларида тўпланиб қолган маҳсулотлар қиймати 5,5 миллиард сўмликдан ошиб кетди.

Харидорсиз, сифатини йўқотаётган маҳсулотлар кўплиги жиҳатидан «Электрокимё» корхонаси «пешқадамдир». Мазкур корхона омборларида ҳозиргача 450 миллион сўмликдан зиёд у ёки бу кимёвий дорилар йиғилиб қолган. Ўзбекистон — Панама давлатлари ҳамкорлигининг ягона тимсоли бўлган бу корхонада илгаригидек деҳқонлар, соҳибкорлар, полизчилар учун ўта зарур бўлган энг ноёб кимёвий моддалар — трифлан, изофен, которан экологияга зиён баҳонасида ишлаб чиқаришдан бутунлай олиб ташланган, бу кимёвий маҳсулотлар ўрнини эндиликда бошқаси қоплай олмаяпти. Натижада қарийб 200 гектар майдонни эгаллаган ва мингга яқин кимёгар меҳнат қилаётган корхонада бугунги кунда фақат йодланган ош тузи ишлаб чиқариляпти, холос. Бу эса қарз ва қарздорликни, молиявий инқирозни кучайтиряпти. Ана шундай иқтисодий танглик сабабли энг тажрибали муҳандис ва мутахассислар ҳам корхонани ташлаб бошқа ёққа ишлаш учун кетиб қолишяпти...

Айни пайтда бу корхонанинг дебитор қарзи 1 миллиард 200 миллион, кредитор қарзи эса қарийб 1,5 миллиард сўмга етиб қолди. Энг ачинарлиси, корхонанинг чет эл фирма ва компанияларидан қарзи 5 миллион Америка долларига тенгдир. Бу аҳвол корхона бошлиқларини наҳотки ташвишга солмаса?! Ахир, корхонани иқтисодий ўнглашнинг, боши берк кўчадан олиб чиқишнинг бирданбир йўли изланиш, энг яқин ҳамкор топиш, чет эл сармоясига таяниш ва хориж технологиясини қўллаш эмасми? Афсуски, корхонада собиқ иттифоқдан, аниқроғи, алмисоқдан қолган асбоб-ускуналарнинг 80 фоизи ҳалигача алмаштирилмаган. Бунинг устига занг босган, чириган, тешилган қувурлар ҳаддан ташқари кўп. Шундай экан, қиш ойларида корхона тўла қувватда ишлайди, харидоргир маҳсулот турини кўпайтиради, деб ким кафолат бера олади?! «Электрокимё» корхонасидаги салбий кўриниш «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам мавжуд. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, бу корхона ҳам ҳадемай парокандаликка, инқирозга юз тутиши муқаррар. Қаерда рақобатбардош, жаҳон бозорибоп маҳсулотлар сероб бўлса, шубҳасиз, ўша ерда иқтисодиёт ҳам, молиявий интизом ҳам устувордир. Буни унутишга эса вилоятда тегишли идораларнинг ҳаққи йўқ!

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Фельетон ўрнида

Иш ўрнига фиску-фасод, туҳмат...

ёки иғвогарлик билан шуғулланадиган кимсалар ҳақида

«Халқимизда «Сув балоси, туҳмат балосидан сақласин» деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган экан. Балоларнинг энг хавфлиси эса инсонларнинг бир-бирига адовати, бахиллиги, ҳасади, туҳмат тошини отиши экан. Агар шу 15 йил ичида уйга ўт кетса, янгисини қурган, сув босса бошқа макон бунёд этишим мумкин эди.

Туҳмат эса на ўт балоси, на сув балоси. Ундан қандай қутулишни билмайман».

Бу муҳарририятимизга шикоят ёзган одамнинг гаплари эмас. Балки бир гуруҳ олтинсойлик меҳнаткашлар унинг устидан шикоят йўллаган айбсиз айбдор Бобоназар Тошбоевнинг гаплари. Шикоят хатини эса бир гуруҳ олтинсойлик меҳнаткашлар номидан Чори Бойқобилов йўллаган. Унга 25 киши имзо чеккан.

Шикоят хати мазмуни шундай: Бобоназар Тошбоев, — яъни шу тумандаги «Хўжаипок» жамоа хўжалигининг собиқ раиси жуда кўплаб қинғир ишлар қилган. Хўжаликнинг кўплаб мол-мулкини ўзлаштирган, талон-торож қилган. У ҳалол одамларга кун бермаган. Аммо меҳнаткашлар бу ҳақда қанчадан-қанча юқори ташкилотларга ёзишмасин, шикоятлари текширилмаган. Б. Тошбоев баъзи бир текширишга келганларнинг ҳам оғзини «мойлаб» юборган. Чунки унинг мол-дунёси кўп. Ҳозирги пайтда ҳам у туман сув ва қишлоқ хўжалиги бошқармасида бошлиқ бўлиб ишлаб келаётганлиги адолатдан эмаслиги, у қилган ишларига жавоб бериши лозимлиги узундан-узоқ ёзилган.

Шикоят хати бўйича Олтинсойда бўлдик. Бобоназар Тошбоев текширувчиларга «ўрганиб» қолган экан. У олдимизга қалин бир «дело»ни қўйди. «Олдин мана шулар билан бир танишиб чиқсангиз», — деди.

Ишонсангиз, худди прокурорларнинг айблов ишидек қалин бу папкада, менинг қўлимдаги аризага ўхшаганидан 10-15 таси бор эди.

Ҳужжатлар билан танишамиз. Ҳақиқатдан ҳам Б. Тошбоев «Хўжаипок» жамоа хўжалигида 1978-1989 йиллар ҳамда 1994-1997 йилларда раис бўлиб ишлаган. Унинг бу йиллардаги иш фаолиятини эса:

— Туман ҳокимлиги назорат инспекцияси;

— туман молия бўлими;

— туман солиқ инспекцияси ва прокуратуралари томонидан бир бошдан турли вақтлар ичида қайта-қайта текширувдан ўтказилган.

Албатта, бу текшириш натижаларидан «қониқмаган», «адолат истаб» шикоят ёзганлар эса иғво битилган мактубларни янада юқори ташкилот ва ҳатто мамлакатимиз Президенти номигача битганлар. Шундан сўнг:

— вилоят молия бошқармасининг тафтиш бўлими;

— вилоят солиқ инспекцияси;

— Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги назорат-тафтиш бошқармаси ва бошқа идоралар Б.Тошбоев хўжаликда ишлаган йилларни бир бошдан тафтиш қилишган.Хўжаликда юритилган молия - хўжалик ҳужжатлари ҳам қайта-қайта текшириш, тафтишлардан увадаси чиқай деб қолибди. Шуниси қизиқки, ана шу текширишлар натижаси бир хил: «Текширишда ҳеч қандай талон-торожликлар аниқланмади. Б. Тошбоевнинг иш фаолиятида қонунсизлик ҳолатлари учрамади».

Ажабки, шикоят ёзиб қанчадан-қанча одамларнинг вақтини олгани, иғво-бўҳтон уюштириб обрўли ташкилотларни ишдан қўйган, бир кишига ўлчовсиз маънавий зарар етказган аризачиларга... бирон бир чора кўрилмаган. Аксинча, уларга барча текширувчилар томонидан «Сизларнинг ёзган шикоятларингиз ўз тасдиғини топмади» қабилида жавоб хати берилаверган.

Очиғи, бу ҳолатлардан ҳангу-манг эдим. Наҳотки, бир жойлик одамлар, бир ариқнинг сувини ичиб, тўйи бир, азаси бир бўлган ҳамқишлоқлар ҳам қандайдир бир майда-чуйда мақсадларни деб ёки бир-бирларига ҳасад қилиб ўн йиллаб фиску-фасод билан машғул бўлсалар?

Ниҳоят, биз ҳам ариза-шикоят ёзган кишилар билан учрашдик. Олтинсой туман ҳокимининг ўринбосари А. Розиқов афсус билан бош чайқаб айтди: «Булар иғвосиз туришолмайдиган одамлар. Ўзгаларнинг асабига тегиб роҳатланишса керак. Шунинг учун ёзишади».

Чори Бойқобилов ва шикоят хатига имзо чеккан бошқа кишиларни топиш қийин бўлмади. Пахта йиғим-терими авжида бўлса-да, «Хўжаипок» жамоа хўжалиги идорасига аризачилар дарров йиғилишди.

Чори Бойқобилов ёшгина йигит экан. Аммо... шикоят аризасига имзо чекканларнинг кўпчилиги ёши анча ўтиб қолган, 60-70 ёшдан ўтган кексалар эди. Уларнинг айримлари Бобоназар Тошбоевнинг устидан ана шу ўзлари имзо қўйган шикоят-аризада нималар ёзилганини ҳам билишмасди.

Масалан, 76 ёшли Ўрозбобо ТОШБОЕВ шундай дейди:

— Бобоназар Тошбоевдан қай бир йил сомон сўраган эдим. «Сомон йўқ, — деб бермаганди. Жуда хафа бўлганман. Аммо бир ўқитувчи Тошбоевдан сомон олганлигини айтди. Ўшанда ўғлим хўжаликда ишларди. Сомон берса бўларди. Шунинг учун аризага қўл қўйганман. Лекин унда нималар ёзилганини билмайман...

Ҳожимурод Чориев (81 ёшда):

— Мен 12 йил шу хўжаликда ишладим. Қайсидир йили раис Тошбоевдан қизимга томорқа сўровдим, бермади. Шунинг учун аризага қўл қўйдим. Раиснинг бошқа қандай камчиликлари бор, шу аризада нима ёзилган ўзи билмайман. Қўл қўйинг бобо, дейишаверди, имзо чекдим-да...

— Мен Жўра Ҳакимов, — дейди шикоятчилардан яна бири, — Тошбоев раис бўлиб келгунча хўжаликда бош ҳисобчи эдим. Мени ишдан бўшатди. Колхозни бир бошдан тафтиш қилиш керак.

— Хўжаликни текширмаган идора қолмабди-ку?

—Ҳаммаларининг тили бир. Бизнинг иштирокимизда текширишсин. Биз вилоятдаги ревизорларга ишонмаймиз. Сиз республикадан тафтишчи олиб келинг.

— Ҳа, бошқатдан текширилмаса, биз яна ёзаверамиз, — дея гапга қўшилади аризачилардан бири, ўзини Абдукарим Мирзаев деб таништираркан. — Мен хўжаликда бош чўпон бўлганман. 1996 йили бир отар қўйдан битта ҳам қўзи ололмадим. Раис ёрдам бермади...

— Қандай ёрдам бериши керак эди?

— Қўтон қурилмай қолди...

— Қўтон қуриш бош чўпон зиммасида бўлмайдими?

— Сиз ҳам раис томондага ўхшайсиз. Ҳа, у ҳаммани сотиб олади!

Ана шундай савол-жавоблардан кейин, бўлди-бўлмади шикоят битишган бу одамларга нима дейишни билмайсан киши. Ариза шикоятни ким уюштираяпти? Қандай мақсадда? Нечун ёши ўтиб қолган, кекса, содда одамларни кимнингдир устидан гижгижлашдан тойишмаганлар?

Очиғи, дастлаб улар аризаси билан танишгач, Бобоназар Тошбоев деганлари шунчалик адолатсиз бўлганмикин, деб ўйлаганим рост.

Аммо, «Хўжаипок»жамоа хўжалиги одамлари билан учрашиб, у ишлаган йиллардаги хўжалик молиявий ҳужжатлари билан танишиб, буларнинг бари иғво, бўҳтон гаплар эканлиги маълум бўлди. Ҳатто шикоят аризасида бу дунёдан ўтган марҳум одамларнингда исм-шарифлари битилганига нима дейиш мумкин?! Ахир, ҳеч бўлмаганда марҳумларнинг номига тегишмаса бўлмасмиди?

Иғво, туҳмат ниманинг меваси? Уни кимлар, нима учун қиладилар? Ҳали ушбу шикоят хатини ўрганиб улгурмай хўжалик идорасида бир кекса киши қўлимга бошқа бир ариза тутқазди. «Мухбир ука, буларни ўқиб чиқинг, шунда кўп нарсани билиб оласиз?»

— Бу қоғозлар нима ҳақда ўзи?

— Сизга Тошбоевнинг устидан бўҳтон ёзаётганлардан бири Ташатов Тангирнинг устидан шикоят. У менинг устимдан ҳам 8-9 йилдан бери ёзади. Мана, ҳатто бу «Муштум» журналида ҳам босилган. Ташатов Тангир деганлари иғвогар кимса. Шунинг учун икки марта суд бўлган...

Ҳақиқатдан ҳам Тангир Ташатов деганлариям шикоятчилардан бири. Ўзи деҳқон-фермер хўжалиги ташкил қилган, кўринишидан оддий меҳнаткаш одам. Ҳамқишлоғи Хушбоқ Чориевнинг устидан ёзмаган жойи қолмабди.

Бу ҳақда Ташатов Тангирга гап очган эдик, у тутақиб кетди.

«Ҳали мен уни ёзиб, йўқ қиламан», — деди титраб-қақшаб. — Хушбоқ Чориев «чистый» фирибгар-ку. Мен Москвадаги Давлат архивига ҳам, Киевга ҳам, Белоруссияга ҳам, Петербургга ҳам хат ёзаман. Унинг фронтда бўлмаганлигини барибир исботлайман...»

Бу гапларни эшитиб, ёқа ушлайсан киши. Наҳотки, одам деганлари ҳам шу қадар бирбировини кўролмаса? Хўп, ҳамқишлоғингизнинг фронтда бўлмаганини исботладингиз ҳам дейлик, кейин-чи? Кейин муродингиз шунда ҳосил бўладими? Сиз бундан нима ютасиз? Нимага эришасиз? Наҳот, бу ишлардан муҳимроқ, савобли ишлар билан шуғуллана олмайсиз, жаноб Ташатов?!

Кўнглимдан ана шу ўйлар кечарди. Шунда Тангир Ташатов ҳам ҳамқишлоғи Хушбоқ Чориевга қарши бир даста қоғозларни қўлимга тутди.

— Бу ҳужжатлар Хушбоқ Чориевнинг янги фирибгарликлари ҳақида, —деди у жиддий. — Мен бу шикоятларнинг нусхаларини бермаяпман. Билиб қўйинг, ҳали коррупцияга ҳам ёзаман.

— Қанақа фирибгарликлар?

— Хушбоқ Чориев нафақат урушга бормаган, балки унинг фамилияси ҳам уч хил.

— Тушунмадим, қанақаскга уч хил?

— Аризамни ўқиб кўринг, билиб оласиз. Бу савдоларга ақлим етмасди. Кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмасдим. Узундан узоқ ёзилган навбатдаги шикоятга куз югуртираман:

«Хушбоқ Чориев хавфли шахс. У Ватан хоини... Ҳатто унинг фамилияси уч хил: 1. Чариев Қушбоқ. 2. Чариюв Хошбоқ. 3. Чариев Хошбоқ...»

Азиз муштарий! Ўзингиз айтинг, энди бу «даъво»ларга қандай жавоб бериш мумкин? Тирноқ остидан кир қидириш, иғво-бўҳтон билан ўзгаларга маломат тошини отиш ҳам шунчалик бўладими?!

Ҳалиям Бобоназар Тошбоевга ўхшаган кишиларнинг сабр-бардошига, асабига қойил!

Ахир, яқин ўтмишимизда халқимизнинг буюк зотлари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир сингари адибларни ҳам ана шундай иғво-ю туҳматлар йўқ қилган эмасми?

Сўзимиз сўнггида кимдир кимнингдир ортидан туҳмат тошларини отмоқчи бўлаётган бўлса, унга Оллоҳнинг ўзи инсоф бersин, деймиз.

Зеро, иғвогарлик, ҳасадгўйлик балоси бориб-бориб ўша туҳматчи иғвогарнинг ўзини бадном қилгусидир.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

Ислом инқилоби қўриқчиларининг машқлари

Эронда 500 мингдан ортиқ ихтиёрий жангчиларнинг ислом инқилобини қўриқлаш бўйича машқлари 26 ноябрь куни бошланади. Ушбу машқлар бутун Эрон ҳудуди бўйлаб давом этади. Бу ҳақда ислом инқилобини қўриқлаш бўйича қўмондони, генерал майор Раҳим Сафавий айтди. Эрон генералининг айтишига кўра, Эрон—Ироқ уруши тажрибаси шуни кўрсатдики, ихтиёрий қўшинлар доимий қўшинларга катта ёрдам беришлари мумкин экан. Улар айниқса, мудофаа ва ҳужум операцияларида ҳамда турли маневрларда беқиёс кўмакчи. Машқларда Имом Ҳусайн номли дорилфунуннинг 46774 талабаси ва Боқи Атолла номли тиббиёт мактабининг 2000 талабаси иштирок этади.

Мажлислар Берлинда ўтади

Германия ҳукумати 1999 йилнинг сентябридан бошлаб ўзининг барча мажлисларини Берлинда ўтказишга қарор қилди. Бу ҳақда Боннда қурилиш масалалари бўйича вазир Франц Мюнтеферинг айтди. Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматни Берлинга кўчириш ҳақидаги дастлабки қарорни тасдиқлади. Ҳукуматни кўчиришга кетадиган сарф-харажатлар 20 миллиард маркани ташкил этади. Вазирлар солиқни ислоҳ қилиш лойиҳасини ҳам тасдиқлашди. Чунончи, энг кам солиқ ставкасини босқичма-босқич 25,9 дан 19,9 фоизгача пасайтириш, энг кўп солиқни 53 дан 48,5 фоизга тушириш ҳақидаги қарорни тасдиқлашди.

Акаевнинг сафари

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ҳозирги пайтда Европа мамлакатлари бўйлаб сафар қилмоқда. У куни кеча Польшадан тўрт кунлик расмий ташриф билан Венгрияга етиб келди. У Венгрия Президенти Арпад Генц ва Бош вазир Виктор Орбан билан учрашиб, сиёсий ва савдо-иқтисодий алоқалар масалаларини муҳокама қилади. Шунингдек, халқаро муаммоларга ҳам эътибор берилади. Асқар Акаев Венгрия парламентининг ялпи мажлисида ҳам қатнашмоқчи. Унинг нияти мамлакатдаги энг йирик агрокорхоналардан бири «Баболна»да бўлиш ва маҳаллий от заводини кўздан кечириш. Асқар Акаевнинг Венгрияга ташрифи 23 ноябргача давом этди.

Муддат етди, лекин ҳужжатлар тайёр эмас

Кеча саудиялик миллионер Осама Бин Ладеннинг террорчилик фаолияти юзасидан тўпланган ҳужжатларни толибларнинг судига топшириш муддати якунланди. Бироқ бундан бир кун аввал толиблар маъмуриятидаги олий суднинг бош судьяси Нур Муҳаммад соҳибнинг айтишига кўра Қўшма Штатларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда бирон-бир мамлакат Бин Ладеннинг террорчилик ҳаракатида иштирок этганини исботловчи ҳужжатларни тақдим этгани йўқ. Судья оммавий ахборот воситаларининг ҳужжатларни топшириш муддати 10 кунга кечиктирилди, деган гапларини рад этиб Вашингтонгга Бин Ладеннинг айбдор эканлигини исботлаш учун сунъий имконият берилаётганлигини таъкидлади. Оқ уй эса Осама Бин Ладенни Найроби ва Дорусса-лимдаги Америка элчихоналари биноларини август ойида портлатиб юборишни ташкил этишда айбламоқда. Маълумки, ушбу портлашлар натижасида 220 дан зиёд кишининг ёстиғи қуриган эди. АҚШ террорчини ҳибсга олиш учун 5 миллион долларлик мукофот эълон қилди.

Украинада молиявий инқироз

Чуқур молиявий инқироз Украина иқтисодиётини чарчатиб қўйди, унинг оқибатлари ҳақида бир сўз дейиш қийин, лекин мамлакат иқтисодий ҳалокат ёқасига келиб қолди. Бу ҳақда Украина Президенти Леонид Кучма республика парламентида сўзга чиқиб айтди. Унинг сўзларига кўра, турли тўловларда, маошларни беришда катта қарзлар бор. Бу қарзлар бутун пул маблағининг 60 фоизини ташкил этади. Гривнанинг барқарорлиги сунъий равишда ушлаб турилибди ва бу иқтисодиётни соғломлаштириш билан ҳеч қандай боғлиқ эмас. Украина коммунистларининг етакчиси Симоненко эса ҳамонки давлат бошлиғи шундай нутқ сўзласа демак, у ўз аризасига биноан истеъфога чиқиши керак, деди. Унинг айтишига кўра коммунистлар ҳокимиятни ўз қўлларига оладиган пайт келди.

Владимир собори

Яна бир қотиллик

Россияда сиёсий қотилликлар давом этмоқда. Куни кеча Россия давлат Думасининг депутати Галина Старовойтованинг Санкт-Петербург шаҳрида ўлдирилиши фикримизнинг далилидир. Қотилликнинг ягона гувоҳи бўлиши мумкин бўлган Г. Саровойтованинг ёрдамчиси Руслан Линьков бошидан олган оғир жароҳат туфайли Санкт-Петербургдаги ҳарбий медицина академиясининг госпиталида даволанмоқда. Унинг аҳволи ўта жиддий кўрсатмалар беришга ҳали тайёр эмас. Старовойтованинг ўлдирилиши оммавий равишда қораланмоқда. Лекин қотиллик сабаблари ҳозирча номаълум. «Яблоко» ҳаракатининг вакиллари, «Тотувлик сайлов блоки» ва «Демократик Россия» партияларининг Санкт-Петербургдаги жиноятчиликка қарши фуқаролик фронти ташкил этиш ҳақида декларацияни имзолашди. Якшанба куни имзоланган декларацияга биноан Санкт-Петербург худди Россиянинг ўзидек жиноятчилик жиҳатидан оғир аҳволда. Бутун мамлакат буюртмали қотиллик гирдобида қолиши мумкин. Петербург демократлари қонун чиқарувчи мажлис депутатлигига номзодлар рўйхатини ташкил этишмоқда. Булар мамлакатдаги жиноятчилик учун масъулдирлар. Шаҳардаги бошқа демократик ташкилотларнинг таклифлари ҳам ҳисобга олиниб, ташкил этиладиган рўйхат тезда тайёрланади. Ушбу рўйхат 30 ноябрь куни эълон қилинади.

Саломатлик сирлари

Ҳаётингиз ўзингизга керак

Бу оддий ҳақиқат: ҳар бир тирик жон борки, соғлом бўлай, узоқ умр кўрай, дейди. Аммо, бу осонми? Бутун жаҳон тиббиёт аҳли шундай хулосага келдики, инсон ўз соғлиғини асраб-авайлашга, узоқ умр кўришга энг аввало ўзи жон куйдириши керак. «Ҳамма нарса Оллоҳдан, у берган умрни яшаймизда», деган кайфиятда юрганлар шуни унутмасинларки, энг аввало, инсоннинг кўнгли ҳам, тани ҳам — ҳамма нарсаси озода-сариштa — бўлишлиги Оллоҳга ниҳоятда хуш ёқар экан.

Зотан, ҳар биримиз ўз шахсий ҳаётимизни яхши томонга қандай қилиб бурмоғимиз мумкин? Масалан, АҚШда шу йилнинг 20 октябридан 6 ноябригача қизиқ бир «тажриба» ўтказилди. У нимадан иборат денг? АҚШ Миллий овқатланиш академияси шу муддат ичида овқат препаратлари миқдорини 30 фоизга камайтириш тадбирини ўтказди.

Баъзиларга бу кулгили туюлиши мумкин. Аммо, шунга аминмизки, биринчи марта рўза тутганимизда кундуз кунлари ошхонада овқатланаётган одамларнинг таомга нечоғлик юлқиниб «ташланишлари»ни кузатганмиз. Биринчи марта бу ҳол менга ҳам жуда қизиқ туюлган. Кейин англашимча, шуни тушундимки, кўп овқатланиш, — инсоннинг бирдан бир асосий мақсади эмас. Агар соғлом бўлай десангиз, ўзингизнинг нафсингизни тия билиш, ўзингиз энг яхши кўрган таомни бошқаларга ҳам раво кўриш энг олий фазилат экан. Ҳоҳ эркак бўлсин, ҳоҳ аёл тиббиёт аҳлининг таъкидлашича, айниқса 40 ёшдан кейин таназзулга юз тута бошлашининг асосий боиси кўп овқатланишга ўта ружу қўйишида экан. Сир эмас, аёллар эркакларга нисбатан ўта меҳнаткаш, серҳаракат, кўп юмушли бўладилар. Шунинг учун ҳам асосан жаҳондаги эркакларнинг ярми 40 ёшдан кейин овқатланиш меъёрига жиддий риоя этишлари талаб қилинмоқда.

Инсон — қизиқ вужуд. У шундай яратилган эканки, бутун умри давомида ўз соғлиғини ўзи еб тугатар экан. Болалигиданоқ ота-оналари унга «гамхўрлик» қилиб, колбаса, гўшт дейсизми, шоколад, ширинлик дейсизми икки баробар кўп беришга уринади. Бу сир эмас, уни ҳар қандай оғир меҳнатдан авайлаб-асрашади. Ҳолбуки, бу энг зарарли нарса бўлиб чиқди! Бу болалар эртага вояга етгач, «тағақ-қиёт» меваларидан баҳраманд бўла бошлайди: писта чаққандай чекишга ружу қўяди, ичкилик кетидан қувади, айримлари гиёҳвандликка берилади. Аммо улар овқатланишни бир кун ҳам бўшаштирмасликка ҳаракат қилишади. Бунинг устига кам ҳаракатликка ўрганиб қолишади: пиёда бориш мумкин бўлган жойга ҳам машинада боргилари келади...

Энди бунга ҳаётда учраб турадиган (ҳолбуки бу озмунча эмас) турли ҳаяжонлар, атроф-муҳит таъсири, ҳам қўшилади. 40 ёшга етгандан кейин, қарабсизки, эркакларда касалликларнинг «гулдастаси» ҳосил бўлади. Биринчисининг юраги хаста, иккинчисининг қон босими ошган, учинчисининг қанд диабети пайдо бўлади.

Аммо шуниси ачинарлики, энди бу касалликлар вақтинча бўлмай, доимий тус олган бўлади. Ана шундагина шўрлик эркаклар соғлиғи эсига тушиб, турли табибларга, врачларга югуришади.

Айтишларича, Оллоҳ ҳар бир инсонни яратганида унга ҳаёт ва ўлим ҳужайраларини ато этар экан. Бу икки қарама-қарши куч кейинчалик қай тарзда ривожланиши ўша одамнинг ўзига кўп жиҳатдан боғлиқ экан. Жаҳон тиббиёт аҳли шундай хулосага келдики, инсон танасидаги ҳаётбахш кучни уйғотадиган нарса — бу табиий истеъмол қилинадиган нарсалар бўлиб чиқди. Айтайлик, сиз узоқ тоғдаги булоқ сувига дуч келдингиз. Уни халқ тилида жонли, сув деб аташади. Ва бу айни ҳақиқат бўлиб чиқди! «Ўлик сув нима», деб сўрарсиз. Бу ўзимиз йиллаб сақлаган сув бўлиб чиқди.

Тарих манбаларида биз одамларнинг 150-200, ҳатто 500 йил яшаганликларини ўқиганмиз. Турган гапки, ишонмаганмиз. Ҳолбуки, бу реал ҳақиқат бўлиб чиқди. Масалан, ҳозирда ҳам ўта узоқ умр кечираётганлар ер юзида оз эмас. Аммо улар юқоридаги қоидаларга қатъий риоя қилиб яшамоқдалар. Биз ҳозирги замон тиб илмига жуда муккасидан кетмаслигимиз зарур, деган фикрни айтишдан асло ҳайиқмаслигимиз керак. Ҳозирги замон илми — бу бошланғич бир тажриба холос. Инсониятнинг неча асрлар тажрибадан ўтказган хулосасини ҳавога учирмаслигимиз лозим. Бизнинг фикримизча, агар сиз ўз ички энергиянгизни, кучқувватингизни мунтазам оқилона сафарбар эта билсангиз ўз танангиз ҳужайраларини ҳамиша янгилаб боришингиз мумкин, ҳатто бош мия асаблари ҳам бундан ёшариб борар экан. Булар сафсата эмас. Химолай тоғларида, маълум бўлишича, иккита сирли булоқ ва кўл мавжуд экан. Бирида «ўлик сув», иккинчисида «тирик сув» мавжуд экан. Тадқиқотчилар шуни ўз кўзлари билан кўришганки, инсон оёғи кам етадиган бу жойда ҳар иккисидан ҳам татиб кўрганларни учратишган. «Ўлик сув»дан одамлар ўзидаги салбий томонга йўналмоқчи бўлган куч-қувватни йўқотиш учун истеъмол қилишган. «Тирик сув»дан эса ўзига янги куч-қувватни ато этиш учун ичишган. Йоғлар шу тариқа фаолият кўрсатишган. Ҳолбуки йоғларнинг ҳатти-ҳаракатлари соғлом инсонларни лол қолдирган. Улар шу тариқа инсонларни ҳайратга соладиган ҳатти-ҳаракатларга восита топишган.

Мана энди олимларнинг тадқиқотларидан шу нарса маълум бўлдики, (масалан, Ҳиндистон жанубидаги бир экспедиция маълумотларига қараганда) инсон тўқимаси, яъни бошқа одамга кўчириб ўтказилган тирик орган ўша инсоннинг илоҳий энергиясига айланар экан. Буниси ҳам майли-я ҳатто у кучли даволовчи омил ҳам бўлар экан!

Одам — олам, дейдилар. Унинг сирлари ҳали охиригача тўла ўрганилган эмас. Ҳали илмнинг ақли етмайдиган шундай мўъжизалар борки, у ер юзидаги турли ғору булоқларда ҳам, қолаверса, инсоннинг ўз танасида ҳам мавжуддир. Ақлимиз етмаган жамики нарсага эса биз бу илоҳий нарса, деб қўя қоламиз. Эҳтимол инсоният тараққиётининг мангулиги боиси ҳам шундадир.

Ҳамид АБРОР ўғли
тайёрлади

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 24 noyabr, seshanba № 140 (24.377).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Маннон Уйғур таваллудининг 100 йиллигига

Саҳна санъатимиз сарвари

Туркистон хонликларининг таназзулга юз тутганлиги, ҳарбий жиҳатдан ожизлиги оқибатида Русия томонидан истило қилинди, мустамлака даврида мутаассиблик ва жаҳолат янада авж олиб кетди, Шундай оғир ва зиддиятли тарихий шароитда ўлкада бир гуруҳ маърифатпарварлар, демократлар етишиб чиқди. Аҳмад Дониш, Фурқат, Абай каби донишмандлар шу жумладандир. Улар Туркистон халқларининг мустақил давлат қуришларини, маданият, илму маърифатда ривожланган мамлакатлар даражасига етиб олишларини орзу қилдилар. Уларнинг ҳаракатларини асримиз бошида Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунаввар қори бошлиқ жадидлар давом эттирдилар. Янги ўзбек театри бешигини тебратганлардан бири Маннон Мажид ўғли Уйғур шахси ана шундай тарихий муҳитда дунёга келди.

Маннон Уйғур ҳақида кўпгина саҳнашунослар қалам тебратишган. Зеро, кимки янги услубдаги ўзбек театри тарихига назар ташлар экан, Маннон Уйғур фаолиятини четлаб ўтиши амри маҳол эди. Чунки, унинг фаолият майдони жуда кенг бўлиб, саҳна санъатининг барча турлари, жанрлари, таркиби, воситаларига алоқадор эди. Маннон Уйғур ижодий фаолиятининг дастлабки йиллардаёқ драма театри дейсизми, болалар театри дейсизми, мусиқали театр дейсизми, бевосита шуғулланган, драматургия, репертуар, мусиқа, саҳна безаги, саҳна ҳаракати, нутқ ва талаффуз устида бош қотирган. Аммо барибир санъаткор ижоди тўла-тўкис ўрганилди, ҳамма жиҳатлари тўғри ва бенуқсон ёритилди, деб бўлмайди. Ҳукмрон мафкура тазйиқи остида атайин тушириб қолдирилган, четлаб, хаспўшлаб ўтилган ёки бўрттириб кўрсатилган ўринлар оз эмас. Устига устак қатағон йиллари театрнинг бор архиви олиб кетилган. М. Раҳмоновнинг сўзига қараганда, Маннон Уйғурнинг 1937 йилнинг май ойигача ўйнаган ва саҳналаштирган асарлари, талқин режалари, фотосуратлар, чизмалар, қатағонга учраган кишилар билан ёзишмалари ёқиб юборилган экан. («Гулистон», 1997, №3, 10-б.) Бу илмий тадқиқот ишларида катта қийинчиликлар туғдириши табиий.

Маннон Уйғур тўғрисида ҳаққоний, тўғри сўз айтадиган замон келди. Унинг ижодий фаолиятини Ўзбекистон истиқлоли ғоялари негизида қайта бошдан ўрганиш, холисона таҳлил қилиш, ХХ аср миллий театр маданиятида тутган ўрнини аниқлаш театршунослик фани олдидаги муҳим вазифадир. Илмда Маннон Уйғур кўп йиллар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий соясида қолиб келдики, бу тўғрида ҳам ҳалол сўз айтиш керак. Санъаткорнинг режиссёрлик ижоди ҳақида озми-кўпми ёзилди, бироқ унинг актёрлик санъати, таржимонлик фаолияти, мураббий сифатида қўллаган услуб ва амаллари деярли ўрганилмаган.

Шу пайтгача Маннон Уйғурнинг жадидлар ҳаракатига алоқаси масаласида ҳам ойдинлик йўқ. Санъаткор гўё социалистик мафкура билан, Октябрь инқилоби билан бирга туғилгандай тасаввур қилиб келинди. Унинг 1916 йилда маърифатпарварларнинг «Турон» жамиятига қўшилгани, жадидлар билан алоқалари борасида очиқ гап айтилмади. Ҳолбуки, Маннон Уйғур маърифатпарварлар ҳаракати ва бу ҳаракат йўлбошчилари Беҳбудий ва Мунавваркориларнинг ғояларига онгли равишда эргашган. Жамиятни яхшилик томонга буриш, ўзгартиришнинг бирдан бир йўли одамларни маърифатли қилиш деб билган жадидлар театрни мактаб, рўзнома билан бир қаторга қўйганлар. Театр бамисоли кўзгу, у ҳаётдаги барча иллат ва нуқсонларни ёрқин ёритиб, томошабинларнинг кўзини очишга хизмат қилади, деб билганлар. Маннон Уйғурнинг ўзига касб қилиб театр санъатини танлагани, унга бир умр ихлосу фидоийлик билан хизмат қилганини шу билан изоҳлаш мумкин.

Дарҳақиқат, Маннон Уйғурнинг саҳнавий фаолияти 1916 йилдан «Турон» тўдасига қўшилиш билан бошланган. Ўша йили Озарбойжондан келган Сидқий Руҳилло труппаси спектаклларини кўрган ва унинг ўзбек ҳаваскорлари кучи билан саҳналаштирган «Лайли ва Мажнун» спектаклида қатнашган. Аммо отаси Мажид оқсоқол театр анъанавий ахлоқни бузади деб ўйлаб, ўғлини бу йўлдан қайтармоқчи бўлади, бироқ йигитнинг аҳди қаттиқ эди. У мадраса ҳужрасида яшаб, бир амаллаб тирикчилик қилиб юрса-да, бироқ санъатдан воз кечмайди. 1918 йилда «Турон» театр тўдасини тиклайди. Мана шу уюшма билан тарғибот поездида фуқаролар уруши жанггоҳларида хизматда бўлади. Театрни истеъдодли ёшлар билан мустаҳкамлаш, зарур саҳна асарлари яратиш бўйича тер тўкиб ишлайди. Шу орада унга Файзулла Хўжаевнинг назари тушиб, 1922 йилнинг бошида Бухорога таклиф қилинади. Бир йилдан сўнг Москвадаги Бухоро маориф уйида ўзбек драма студиясининг иш бошлаши ҳам бевосита Файзулла Хўжаевнинг раҳнамолиги билан бўлганки, энди буни очиқ айтиш мумкин. Абдурауф Фитрат бу ишларда маслаҳатчи вазифасини бажарган.

Санъаткорнинг Файзулла Хўжаев билан, ёзувчилардан Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғулом Зафарий, Хуршид, Ғози Юнус кабилар билан яқинлиги жамият ва санъат ривожига бўлган умумий қарашларга асосланган деб ўйлаймиз. Бу авваламбор иттифоқ доирасида миллий давлат тузиш, истиқлол ғояси эди. Санъатда ҳам уларда мустақил йўлдан бориб, миллий ўзига хосликка эришиш орзуси устувор бўлган. Маннон Уйғур, айниқса, Абдулҳамид Чўлпон билан ижодий ҳамкорлиги самарали кечган. Улар дўст бўлишган. Бу дўстлик Самарқандда, сўнг Москвада ва Тошкентда давом этган. Чунки Чўлпон Маннон Уйғурнинг тавсияси билан Москвада ўзбек драма студиясида тилмоч, қолаверса, ўзига хос муаллим хизматини бажарган. Кейин Давлат драма театрида адабий эмакдошлик қилган.

Маннон Уйғур билан Чўлпон янги ўзбек театрининг жаҳон театр маданиятининг илғор анъаналарини ўзлаштиришини ва шу билан бирга ўзига хос миллий санъат бўлишини орзу қилган эдилар. Москвадаги ўзбек драма студиясига Вахтангов ва Мейерхольд театрларидан актёр ва режиссёрларнинг жалб этилиши ҳам шундан гувоҳлик беради. Чунки Вахтангов ва Мейерхольдларнинг ижодий услублари, уларнинг актёрлар билан ишлаши, театрларнинг йўналишлари ўзбек театрига, томошабинларига яқин эди. Маннон Уйғур билан Чўлпоннинг давлат театрида «Ҳужум», «Ёрқиной», «Фарҳод ва Ширин» асарларини саҳналаштириш устида ишлаш жараёнида ҳам мана шу халқчиликка эришиш иштиёқи намоён бўлган эди.

Аммо бу ишлар узоқ давом этмади. Истибдод ва қатағоннинг кучайиши, Москва бадиий театрининг барча миллий театрларга андоза қилиб олиниши, К.С. Станиславский системасини бирдан-бир тўғри услуб сифатида тарғиб қилиниши натижасида ўзбек театри ҳам бора-бора қанотлари қайрилган қушга ўхшаб қолди. Маннон Уйғурга ҳам ҳар тарафдан ҳужум бошланди. 1935 йилги «Ҳамлет» спектакли конструктивизм маҳсули деб топилди. Маннон Уйғур топган ажойиб чил устун тимсоли социалистик реализмга ёт дейилади. Асар таржимаси янгиланди ва қайта саҳналаштирилди. Н. Сафаров билан Зиё Саиднинг «Тарих тилга кирди» драмаси шартли мажозий услубда талқин қилинган эди. Бу ҳам танқидга учради. Яна қанчадан-қанча спектакллар тузатилди ёки умуман саҳнадан олиб ташланди. Шу тарзда саҳна асарлари ҳукмрон мафкура талаб қилган қолипларга солина бошланди...

Санъаткорнинг бахти чопиб қатағондан омон қолган бўлсада, бироқ расман театрга раҳбарликдан четлаштирилди. Унинг ёнига ғоявий қўриқчи қўйилди. У шерикчиликда асар саҳналаштирадиган бўлди. Маннон Уйғур барча адолатсизликларга чидади. Сўнгги нафасигача санъат масалалари, қадрдон театри ташвишлари билан яшади. Яхши кунларга умид билан бокди.

Санъаткор ҳаммаси бўлиб 61 йил умр кўрган бўлса-да, жуда катта иш қилиб кетди. Москвада драма студиясини тузиб, унга бош-қош бўлди. Бухоро театрини ташкил этди. Ишчи ёшлар театрини бошқарди. Актёр сифатида турли тоифа ролларда ўйнаб , бошқаларга ўрнак кўрсатди. Аммо Маннон Уйғур авваламбор шунинг учун ҳам азиз ва мукаррамки, санъатимиз туғдори бўлиб келган академик драма театрининг ташкилотчиси, ўзбек режиссурасининг асосчиси, саҳна усталарининг бутун бир авлодини тарбиялаб етиштирган устоздир. 1933 йилдан кейин 22 йил давомида асосан режиссёрлик ва мураббийлик билан шуғулланди. У юздан ортиқ асарни саҳналаштирди. Гап сонда эмас, сифатда, албатта. Режиссёр ўз халқига юксак истеъдодли Озарбойжон драматурги Ҳусайин Жовидни танитди. Ғулом Зафарийнинг барча саҳна асарларини биринчи бўлиб саҳналаштирди. Шундан «Ҳалима» биринчи ўзбек мусиқали драмаси сифатида танилди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғози Юнус, Сотти Ҳусайин билан ҳамкорлик қилди. Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Зиннат Фатҳуллин, Хуршид, Уйғун, Шайхзода, Назир Сафаров, Зиё Саид, Иззат Султонларнинг драматург бўлиб танилишида Маннон Уйғурнинг ҳиссаси катта. Фитрат ва Ҳамза драматургиясига алоҳида эътибор берди. Фитратнинг «Ўғизхон», «Темур сағанаси», «Абу Муслим», «Ҳинд ихтилофчилари», «Чин севиш», «Арслон» драмаларини саҳнага қўйди.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор.

Хоразмда ягона аёл

Орамиздаги одамлар

...Қадим Хивага бораётиб, йўл-йўлакай Янгиариқ туман марказида бир дақиқа тўхтадим. Тамаким шакли ҳаётимизга кириб келгач, суратхонани хусусийлаштириб олдилар. Аммо, машъум ўлим у кишини бевақт олиб кетди... Отам қўлидаги асбоб-анжомларни мен олдим. Оилада ўғил фарзанд йўқ эди...

Бугина эмас. Муҳаббат ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган вақтлардаёқ суратқашликка қизиқади. Саккизинчи синфда ўқиётганида туширган ва ишлаган суратлар ҳозирда суратхона деворларини безаб турибди.

Суратқашлик ғоят савоб иш. Тўй куни бахтли ёшларнинг унутилмас дамларини мангуликка муҳрлаш ҳам масъулиятли, ҳам қувончли.

Кимдир ҳужжат учун суратхона эшигини қоқади, кимдир жажжи фарзандларини қувонтиргиси келади..: Юмуш кўп, бир зум бўш вақт йўқ. Уни ширин муомаласи, мижозлар кўнглини топиши, буюртмани вақтида, сифатли бажариши кундан-кунга элга танитиб бораётир.

Бир ёқда эндигина мактабга борган фарзандлар тарбияси. Уларга ҳам ота касбни ўргатиш иштиёқи ...

Ишқилиб, Муҳаббатнинг орзулари кўп. «Орзу» бу йўлдаги илк қадам. Илк поғона.

— Сурат оладиган асбобларим ҳамма вақт, ҳатто сафар, дам олишларда ҳам йўлдошим, — дейди у. — Пойтахтга дам олиш учун сиҳатгоҳга борганимда буни кўриб ҳамхоналарим ҳайрон қолишган. Кейин уларга эсдалик учун тушган суратларини тайёрлаб берганимда раҳматлар айтишди.

— Давлатимизда суратқашлик қилаётган хотин-қизлар қанча экан? — деб сўрайман Муҳаббатдан. У елка қисади, билмаслигини айтади.

Бу рақамни биз ҳам билмаймиз. Балки кўпдир, балки саноқлидир. Аммо, бутун Хоразмда суратқашликни касб қилган ягона аёл — Муҳаббатнинг ўзи.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: М. Хўжаназарова иш жараёнида.

Саъдулло БОБО олган сурат

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси *Расулов*

Исми *Узоқ*

Отасининг исми *Расул*

Қачон, қаерда туғилган *1896 йил Қашқадарё вил. Косон тум. Нўлати қишлоғи*

Ҳозир қаерда яшайди *Самарқанд вил. Жарпай тум. Чарҳент қишлоғи*

Узоқ умр кўришнинг сири *Ҳаракат ва меҳнат* (қисқа баён этилади)

Юз ёшнинг хулосаси *Меҳнатнинг таги роҳат* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Орзуга айб йўқ

Спорт

70-80 ёшни қоралаган отахонларни кураш майдонида беллашаётганини кўрган ёшлар кўпинча: «бу кексалар Николайни ёғини еган», деб истеҳзоли кулиб қўйишади. Қарияларга бундай қараш эса ҳали-ҳануз илмий асосини топгани йўқ. Назаримизда бобокалонларимиз умр бўйи ҳаракатсиз қолмасликни, меҳнатга зўр беришни ўз муддаолари деб билишган, емиш-ичмишларни ҳам шунга яраша қилишган. Уёғини сўрасангиз бугунги кунда ҳам ўша ялангтўш боболаримизга ҳавас билан қаралишининг боиси уларда турмуш тарзининг тўғри йўлга қўйилганида деб баҳоланмоқда. Шу кунларда жаҳон чемпиони номини олиб, ғалаба завқидан ғурурланиб юрган Ўрол Жуманиёзов ҳам зуваласи пишиқ кексаларимиздан чиқиб қолди.



У яқинда Мальтада ўтказилган самбо бўйича жаҳон чемпионатида фахрийлар ўртасида биринчи ўринни эгаллади. 52 килограмм вазнли бу полвон 54 ёшгача бўлган кексалар орасида ҳамон чапдастлардан эканини намойиш эта олди. Ғолиблик супасига кўтарилиб, халқаро майдонда Ватанимиз номини улуғлади. Шунингдек, бу мусобақада полвонларимиз яна биттадан олтин ва бронза медалларини қўлга киритишди. Қашқадарёлик Астон Чўлиев ҳам чемпион бўлди. Тошкентлик Раҳим Бўриевга бронза медали насиб этди. Шу кунларда кекса самбочилар 5-10 декабрь кунлари Сан-Франсиско шаҳрида ўтказиладиган халқаро турнирга ҳозирлик кўришмоқда.

Суратда: жаҳон чемпиони Ўрол Жуманиёзов

ЯНГИЙЎЛ «ЛАЗЗАТ АПКО» ҚАНДОЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Қандолат маҳсулотлари ҳамда ҳамиртурушни улгуржи

СОТАДИ

Шунингдек, акционерлик жамияти янчилган какао, озуқа содаси ва ўрамли (пергамент) қоғозни кўплаб миқдорда

сотиб олади

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Бизнинг манзил:
Янгийўл шаҳри, Лаззат кўчаси, 1а.

Телефонлар:
(37160) 2-69-44, 2-69-45, 2-69-10.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*, навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 20.025 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 0484

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти партиянинг Беруний туман кенгаши биринчи котиби Йўлдош Насруллаевга падари бузруквори **Файзулла НАСРУЛЛАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради

«Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталари жамоаси собиқ ходим Эркин Хўжаевга волидаи мехрибонлари **РАҲБАР аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Маданий моллар» очиқ турдаги акционерлик жамияти маъмурияти ва меҳнат жамоаси «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси раиси Зафар Омонович Файзиевга ва оила аъзоларига волидаи муҳтарамалари **ЗОКИРЖОН қизи ТУҒОНОЙ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

Республика Кўчмас мулк биржаси бошқаруви ва жамоаси биржанинг Наманган филиали директори Рустамжон Абдураҳмоновга падари бузруквори **НАБИЖОН ОТАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида рўйхатдан ўтказилган «Наққош М.М» хусусий фирмаси ўз фаолиятини **ТУГАТАДИ**

Даъволар 1 ой муддатда қабул қилинади. Тел.: 40-18-86.